



## ҚУТҚАРУВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ БИНО

Бугунги кунда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, хизмат самарадорлигини оширишда соҳа ходимларига етарли шарт-шароит ва имкониятлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилояти Қамаш тумани ФВ бўлими ходимлари учун замонавий бино, шунингдек, 7-профессионал ёнгин-қутқарув қисми учун янги иншоотнинг қурилиб, фойдаланишга топширилиши тизимда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалий ифодасидир.

“Оқғузар” маҳалласида фойдаланилмай турган 1,3 гектарлик майдонда барпо этилган янги 2 қаватли бинода ходимларнинг янада самарали фаолият юритишлари учун барча имкониятлар яратилди. Навбатчилик қисмидан тортиб, шинам хизмат хо-

наларигача ахборот-коммуникация технологиялари, зарур анжомлар билан жиҳозланди. Барча турдаги табиий ҳодисалар ҳамда техноген ҳолатлар, фавқулодда вазиятларга қарши чора-тадбирларни тезкор ва самарали амалга ошириш учун



энг илғор қутқарув ускуналари, махсус транспорт ва техникалар билан таъминланди. Шунингдек, ходимларнинг билим ва касб маҳоратини ошириб бориш учун ўқув, маънавият ва маърифат хоналари, мажлислар ва тренажёр заллари, машғулот ўтказиш майдонларида ҳам бир қатор қулайликлар яратилди.

Бинонинг тантанали очилиш маросимида Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев иштирок этиб, ўз сўзида бу каби яратилаётган имкониятлар ёнгин-қутқар-

ув хизматлари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Тадбир давомида ФВ бўлимига замонавий ёнгин ўчириш ва қутқарув автомашинаси, шунингдек, 2 та оилага хизмат уйи тантанали равишда топширилди.

**А.МУСТАФОВЕВ,**  
Қашқадарё вилояти ФВБ  
бошлиғи ўринбосари,  
подполковник.

## ИШОНЧ, ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси ҳаётида сўнгги йилларда рўй берган катта ўзгаришлар Конституциямизни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Шу сабабли давлатимизнинг олий органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзгартириш ва тузатишлар киритилган янги лойиҳаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Ушбу ҳужжат минглаб фуқаролар иштирокида муҳокама қилинди.

Конституциямизнинг умумхалқ муҳокамасига қўйилган янги таҳрирдаги лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳаётида сўнгги 5-6 йил ичида рўй берган ўзгаришлар тўлалигича акс этган.

Конституция лойиҳасининг 46-моддасида шундай дейилган:

Ҳар ким қариганда, меҳ-

нат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас.

Охириги йилларда вазирлик тизимига кўп сонли

шахсий таркиб, автотехника, агрегатлар, ускуналар ва бино-иншоотларга эга ёнгин хавфсизлиги хизмати бирлаштирилди.

Бундан ташқари, бугунги кунда дунёдаги энг замонавий қутқарув автотранспортлари, ўт ўчириш техникалари, роботлар, қорда, тоғда, сувнинг тубида юрадиган махсус техникалар билан барча ҳудудий бўлимлар ва бошқармалар тўлиқ асбоб-анжомлар, махсус кийимлар билан етарли даражада таъминланди.

Вазирликда Академия ва институт ташкил этилди.

Мен Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фахрийлар марказий кенгаши ва

жамоатчилик асосида назорат комиссиясининг раиси сифатида ҳозирги гапларимни тизимдаги барча фахрийлар номидан гапираман.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кўп сонли фахрийлари ва шахсий таркиби 30 апрель куни оила аъзолари билан биргаликда референдумда фаол қатнашдилар. Шахсан ўзим, оила аъзоларим, фарзандларим, невараларим референдумга бориб, янги таҳрирдаги Конституциямизни тасдиқлашга овоз бердик.

Референдум тадбирлари жараёнида ФВВ раҳбарияти таркибига ҳам бир гуруҳ соҳа вакилларининг тайинлишида ўзгача маъно-мазмун бор, албатта. Бу, ўз нав-



батыда, юртимиз тинчлиги, халқимиз хотиржамлигини таъминлашдек эзгу амалий саъй-ҳаракатларнинг амалда бардавом эканлигидан яққол далолатдир.

**Эргаш ИКРОМОВ,**  
ФВВ Фахрийлар  
марказий кенгаши раиси,  
истеъфодаги полковник.

## МУРОЖААТЛАР ТИНГЛАНДИ

Республика Ҳарбий прокуратураси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкент вилоятида жойлашган 80-ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаётган Мудофаа вазирлиги тизимида хизмат қилиб, нафақага чиққан фуқаролар ҳамда вазирлик тизимида ишлаб келаётган Қуролли Кучлар хизматчилари билан сайёр қабул ўтказилди.

Унда Республика Ҳарбий прокурори ўринбосари Қ.Исроилов, Мудофаа вазирлиги ўринбосари Х.Қаршиев, шунингдек, соҳа бўйича тегишли мутахассислар иштирок этдилар.

Қабулда Мудофаа ва-

зирлиги тизимида хизмат қилган ҳарбий пенсионерлар, Қуролли Кучлар хизматчилари ҳамда бошқа фуқаролар ўзлари истиқомат қилиб келаётган хонадонларни хусусийлаштириб беришда амалий ёрдам сўраб, муро-



жаат қилдилар.

Ушбу мурожаатларни ижобий ҳал қилиш юзасидан тегишли қарор қабул қилиш бўйича ўзаро келишиб олинди.

**Тоҳир Жўраев,**  
Республика Ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори, адлия подполковниги.

Гулистон ҳарбий прокуратураси, Сирдарё вилояти ФВБ ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида вилоят ФВБ ва Гулистон шаҳар ФВБ бўлими ходимлари, уларнинг оила аъзолари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари учун навбатдаги сайёр қабул ташкил этилди.

Қабулда 83 та оғзаки мурожаатнинг 74 тасига қонуний тушунтириш берилди. Ўрганиш учун кўшимча вақт талаб этадиган 9 та мурожаат назоратга олиниб, мута-

сади идораларга йўналтирилди.

**Неъматжон ҒОФУРОВ,**  
Гулистон ҳарбий прокурори катта ёрдамчиси, адлия капитани.



## САЙЁР ҚАБУЛ

## МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Қарши ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан мутасадди идораларни жалб қилган ҳолда Қарши туманида оммавий сайёр қабул ташкил этилди.



Унда “Ҳонобод” кўрғонидаги ҳарбий қисмлар ҳамда тумандаги ҳарбий муассасалар ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар ва уюшмаган ёшлар ўз мурожаатлари билан иштирок этдилар.

Қабул жараёнида ишга жойлашиш, имтиёзли уй-жойга эга бўлиш, тадбиркорликни йўлга қўйишда субсидиялар ажратилиши ва кредит олиш каби турли масалаларга оид жами 14 та

мурожаат қабул қилиниб, шундан 9 таси прокурор назорати билан тегишли идораларга йўналтирилди. 5 нафар мурожаатчига шу жойнинг ўзида ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари тумандаги мавжуд бўш иш ўринлари билан танишиб, ўзларига муносиб касб ва иш ўринларига жойлашиш имконига эга бўлдилар.

**Нодирбек ИСМОИЛОВ,**  
Қарши ҳарбий прокурори ёрдамчиси, адлия лейтенанти.

## “ОЧИҚ ЕСHIKЛАР КУНИ”

Қарши ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Шаҳрисабз туманидаги “Темурбеклар мактаби” HALда “Очиқ ешиклар кuni” ташкил этилиб, унда Шаҳрисабз шаҳри, Шаҳрисабз ва Китоб туманларидagi умута’лим мактабларидa таҳсил олайотган 300 нафар о’қувчи-йoshлар билан учрашув о’тказилди.

Ташриф buyurganlar “Темурбеклар мактаби” HALда о’қувчилар учун yaratilgan barcha shart-sharoitlar bilan tanishdilar. Bundan tashqari, о’қувчи-yoshlarga o’t o’chirish texnikasi, о’quv o’qotar qurollar, qutqaruv vositalari ko’rgazmasi tashkil qilinib, harbiy akademik

litsey о’quvchilari tomonidan tayyorlangan qo’l jangi mashqlari, “Amir Temurning yoshligi va hukmronligi” nomli sahna ko’rinishi namoyish etildi.

Shu bilan birga, “Prokuror va yoshlar” uchrashuvi o’tkazildi. Unda yosh avlodni tarbiyalash, ularning ma’nan yetuk insonlar bo’lib



yetishishlari yo’lida amalga oshirilayotgan ishlar haqida aytib o’tildi.

**Baxtiyor AHMEDOV,**  
Қарши ҳарбий прокурори, адлия подполковниги.

## Жиноят ва жазо

## ҲАВОГА “УЧГАН” ДОЛЛАР

Пойтахтимизда яшовчи Ф.Х. алдовларга ишониб, чув тушганлардан бири.

– 2021 йилнинг охирларида танишим Э.С. машина олаётганлигини айтди, – деди судда жабрланувчи Ф.Х. – Ўша оғайним менга ҳам машина олишни таклиф қилди. Унга ўйлаб кўришимни айтдим ва маълум муддат ўтгач, розилик билдириб, у билан Олмазор тумани Себзор мавзесида кўришдик. “Жентра” русумли автомобилани жами 12500 АҚШ долларига сотиб олишга ва бошланғич тўлови учун 4000 АҚШ долларини беришга келишдик. У билан Сергели тумани “Ўзгариш”даги кўприк олдида учрашиб, 3900 доллар тутқаздим. Икки кундан кейин эса қолган 100 долларни ҳам кўлига бердим. Танишим 2022 йил февраль ойининг бошига қадар автомобилни оласиз, деди. У мендан яна 100 АҚШ доллари сўради. Бердим. Э.С. эртаси куни “вақтинча ҳайдаб туриш, дея “Спарк”ни берди. Тахминан икки ойлардан кейин нотаниш кимса, кейин билсам, “Спарк”нинг эгаси машинани олиб кетди. Мен Э.С.га телефон қилиб, вазиятни айтдим. У эса гўёки эшитмагандек телефонни босиб қўйди. Кейин телефонини мутлақо ўчириб қўйди. Алданганлигимни сезганимдан кейин “102”га телефон қилдим ва уни қўлга олишди. Шу кунгача Э.С. томонидан менга етказилган 4100 АҚШ доллари миқдоридagi моддий зарар қопланмаганлиги учун пулимни ундириб, унга қонуний чора кўришингизни сўрайман.

Ана энди судланувчи Э.С.нинг таржимаи ҳолига назар ташлайлик. 26 ёшли Э.С. муқаддам судланиб, хавфли рецидивист, деб топилган. У ўзгаларни алдашни “касб” қилган.

– Айбимга тўлиқ иқрорман, – деди судда судланувчи. – Ф.Х.дан машина олиб бераман, деб 4100 доллар олганман. Пулларни эса “еб” юбордим. Ҳозирда қилган ишимдан пушаймонман. Зарарни тез кунларда қоплайман. Бундан буён бундай ишга қўл урмайман. Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, енгилроқ жазо беришингизни сўрайман.

Суд барча жиҳатларни эътиборга олди. Унга Ж.К.нинг 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Паркент тумани судининг 2019 йил 5 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Э.С. жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтайдиган бўлди.

**Алишер ЖАЛИЛОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди раиси.

FVV Akademiyasi huzuridagi Fuqaro muhofazasi institutida o'tkazilgan "Kuchli zilzila bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarning oldini olish muammolari va ularni hal etish yo'llari" mavzusida Respublika FVD Tga kiruvchi vazirlik va idoralar hamda oliy va ilmiy-tadqiqot institutlari olimlari, tajribali mutaxassislar qatnashdilar.

## АНЖУМАН

Mazkur tadbirda Markaziy Osiyo va O'zbekistondagi seysmik vaziyat, kuchli zilzilalarni prognoz qilish, ko'p qavatli binolarning zilzilabardoshligini ta'minlash, bino va inshootlarning seysmik mustahkamligini oshirish, kuchli zilzilalarning muddatli prognozlariga muvofiq seysmik xavfsizlikni ta'minlash kabi dolzarb masalalar muhokama markazida bo'ldi.

Trening qiziqarli savol-javoblar va bahs-munozaralarga boy tarzda o'tdi.



K.JUMAQULOVA,  
FVV Akademiyasi huzuridagi  
FMI o'qituvchisi.

Toshkent shahar Yunusobod tumani "Mingchinor" MFI raisi X.Fozilova hamda 235-umumta'lim maktabi direktori M.Rahimova tashabbusi bilan Toshkent shahar FVB harbiy xizmatчилари bilan hamkorlikda ushbu maktabda bуюk аждодларимиз Amir Temur va Jalolidin Manguberding qahramonliklariga bag'ishlangan davra suhbatini tashkil etildi.

## ЖАСОРАТ МАКТАБИ



Mazkur tadbir davomida uquvchi-eshlar bilan engin xavfsizligi va fuqaro muhofazasi, shuningdek, zilzila vaqti turgu harakatlanish turgusida tushunchalar berildi. Uquvchi-eshlarni qiziqtirgan savollarga harbiy xizmatчилар tomonidan javob berildi.

F.РИЗАЕВ,  
Toshkent shahar FVB Hukumat uyi binosida  
EHTTB EN va PB inspektori, mayor.

## XATARLI ILLAT

Bugungi kunda korrupsiya ko'pgina davlatlarning iqtisodiy va siyosiy salohiyatiga ulkan xavf solmoqda. Unga qarshi kurashish dolzarb vazifalardan biriga aylandi.

Mamlakatimizda olib borilayotgan tub islohotlar sharoitida davlat qurilishi va huquqiy siyosatning mazmun va mohiyatini aniqlashtirish uning maqsad va vazifalarini islohotlarning bugungi taraqqiyoti

asosida shakllantirib borish, shaxs hamda jamiyat manfaatlarini samarali himoya qilish, korrupsiyaning oldini olishning huquqiy mexanizmlarini takomillashtirish ehtiyoji vujudga kelishi bilan belgilanadi.

Kelajakni korrupsiyasiz birgalikda qurishimiz, buni avvalo, o'zimizdan boshlashimiz, korrupsiyaning har qanday ko'rinishini bartaraf qilish uchun birgalikda kurashishimiz zarurdir.

Abdulahat UTAULOV,  
"Turkiston" saroyi YOXTTEB  
mutaxassisi, katta serjant.



## MA'NAVIYAT KARVONI

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi 3-muhandislik-qurilish batalyoni shaxsiy tarkibi, Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi Mirzo Ulug'bek tumani bo'limi hamda yozuvchi va ijodkorlari bilan hamkorlikda "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy qonun

loyahasining mazmun-mohiyatiga bag'ishlangan tadbir tashkil etildi.

Tadbir davomida yangi Konstitutsiyadagi o'zgartirish va qo'shimchalar to'g'risida ma'lumotlar berildi.

I.KAJANOV,  
MMQB OAV bilan ishlash  
bo'yicha katta texnik, oddiy askar.

## JAHOLOTGA QARSHI MA'RIFAT

Qarshi shahridagi Mullato'ychi Toshmuhammedov nomidagi viloyat drama teatrida Din ishlari bo'yicha qo'mita mas'ullari tomonidan harbiy xizmatчилар ishtirokida "Jaholatga qarshi ma'rifat bilan" mavzusida davra suhbatini o'tkazildi.

Tadbirda ekstremizm, terrorizm, giyohvandlik kabi salbiy illatlarning oqibatlarini, yoshlar tarbiyasi, ilm olish, millatlararo to'uvlik va diniy bag'rikenglik, jinoyatchilikning oldini olish bo'yicha respublikamizda olib borilayotgan islohotlar hamda ularning mazmun-mohiyati haqida so'z yuritildi.



Ulug'bek JUMANOV, Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati xodimi.

## YOSHLAR – YURT KELAJAGI

Qarshi shahridagi harbiy qismlarning birida "Ochiq eshiklar kuni" tadbiri o'tkazildi.

Qarshi harbiy prokuraturasi, viloyat FVB, Milliy gvardiya boshqarmasi hamda JG'MHO hamkorligida o'tkazilgan mazkur tadbirda Qarshi harbiy prokurori so'zga chiqib, yoshlarni kelajakda yetuk kadr bo'lib yetishishlarida, avvalo, maktabda yaxshi o'qishlari, bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazishlari kerakligi, jismonan sog'lom, aqlan barkamol bo'lishlari uchun ko'proq kitob o'qishlari lozimligini ta'kidladi.

So'ngra muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan askarlar, Milliy gvardiya hamda viloyat FVB tomonidan ko'rgazma-

qoldirdi. Tadbir davomida o'quvchi-yoshlar o'zlari qiziqtirgan savollarga mutaxassislardan javoblar oldilar.

O.BAHROMOV,  
Qarshi harbiy prokurori  
yordamchisi, adliya  
mayori.  
N.ISMOILOV,  
Qarshi harbiy prokurori  
yordamchisi, adliya  
leytenant.



## UCHRASHUV

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi va Mirzo Ulug'bek tumani "To'qaytepa" masjidi imom-xatibi S.Mamadaliyev ishtirokida "Diniy ekstremizm, missionerlik va separatizm mazmun-mohiyati" mavzusida davra suhbatini tashkil etildi.

Tadbir davomida ijtimoiy tarmoqlarda tarqalayotgan ekstremistik g'oyalarni tadbir etuvchi materilallar hamda ularni ko'rmaslik, ularni qanday ajratish to'g'risida tushunchalar berildi.

Sh.AHMADALIYEV,  
MMQB bo'lim boshlig'i, kapitan.



## “QARSHI-KERKI” DA TADBIR

Nishon tumanidagi “Qarshi-Kerki” chegara bojxona maskanida “Ionlashtiruvchi nurlanishning egasiz manbalari topilishi bilan bog‘liq avariylarni bartaraf etishda FVDning tegishli xizmatlari va huquqni muhofaza qiluvchi idoralarning hamkorlikdagi harakatlari” mavzusida ko‘rgazmali maxsus-taktik o‘quv mashqi o‘tkazildi.



O‘quv mashqining nazariy qismida ionlashtiruvchi nurlanishning egasiz manbalari topilishi bilan bog‘liq avariylarni bartaraf etishga qaratilgan tadbirlar xususida FVB, Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmati va Bojxona boshqarmasining mas‘ul mutaxassislari ma‘ruza qildilar.

Amaliy qismida Chegara bojxona maskanidan o‘tayotgan yuk avtomashinasini dozimetrik nazoratdan o‘tkazish jarayonida yuqori radiatsion fonnini aniqlash, yuk mashinasini xavfsiz joyga o‘tkazish, tegishli xizmatlarga xabar berish, Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmati mutaxassislari tomonidan yuk mashinasida mavjud sanksiyalanmagan (egasiz) ionlashtiruvchi manba necha metr radiusda zarar yetkazayotganligini aniqlash, maxsus taqiqlovchi belgilar o‘rnatish va yuk avtomashinasi egasi bilan viloyat IIB tezkor tergov guruhi xodimlari tomonidan suhbat o‘tkazish kabi harakatlar bajarildi.

**R.TURDIYEV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB  
bo‘lim boshlig‘i, kapitan.

**A.HAMROYEV,**  
Nishon tumani FV bo‘limi bo‘linma  
boshlig‘i, katta leytenant.



## AMALIY MASHG‘ULOT

Farg‘ona viloyati Quvasoy shahar “O‘zbekiston” chegara-bojxona postida “Sanksiyalanmagan ionlashtiruvchi nurlanish manbalarini aniqlash bo‘yicha hamkorlikdagi tuzilmalar harakatlari” mavzusida maxsus-taktik o‘quv mashqi o‘tkazildi. O‘quv mashqi 3 bosqichda amalga oshirildi. Unga jami 105 nafar shaxsiy tarkib va 16 ta maxsus texnika jalb etildi.

Mashq yakunida erishilgan yutuqlar hamda kamchiliklar muhokama qilinib, hamkorlikdagi xizmatlar sanksiyalanmagan ionlashtiruvchi nurlanish manbalarini topish, ularning kontrabandasi bilan bog‘liq favqulodda vaziyatlarda harakat qilishga “Tayyor” deb baholandi.

**Z.MAHKAMBOYEV,**  
Farg‘ona viloyati FVB bo‘lim texnigi, oddiy askar.

## TAKTIK O‘QUV

Bekobod shahar FV bo‘limi tomonidan Texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo‘yicha “Bekobodsement” AJ rahbariyatining favqulodda vaziyatlar oqibatlarini bartaraf etish yuzasidan reja hisob-kitoblariga aniqliklar kiritish, qaror qabul qilish hamda mavjud FM tuzilmalari kuch va vositalarini taqsimlash bo‘yicha harakatlari ko‘rib chiqildi.



O‘quv mashqining 1-bosqichda “Bekobodsement” AJ navbatchi-dispatcherlarining aloqa va xabar berishdagi harakatlari kuzatildi. 2-bosqichda yuzaga kelgan FV oqibatida ishchi-xodimlar va moddiy boyliklarni evakuatsiya qilish va boshqa kechiktirib bo‘lmaydigan ishlar bajarildi. 3- va 4-bosqichlarda obyektida ishlab chiqarish jarayonini tiklash, fuqaro muhofazasi tuzilmalari amaliy harakatlariga baho berish bo‘yicha yig‘ilish o‘tkazildi.

O‘quv mashqi yakunida yo‘l qo‘yilgan xato va kamchiliklarni bartaraf etish bo‘yicha tushuntirishlar berildi.

**Miroxun MIRMAHMUDOV,**  
Bekobod shahar FV bo‘limi bo‘linma  
inspektori, katta leytenant.

Qashqadaryo viloyati FVB tomonidan “Yosh qutqaruvchi” ko‘ngillilar klublarining shahar va tuman bosqichi g‘oliblari o‘rtasida viloyat bosqichi musobaqasi tashkil etildi.

## MUSOBAQA

Unda umumta‘lim maktablari-dan 16 ta hamda akademik litsey va kasb-hunar maktablaridan 6 ta jamoa ishtirok etdi.

Barcha shartlar bo‘yicha umumta‘lim maktablari o‘rtasida 1-o‘rin Koson tumanidagi 8-umumta‘lim maktabiga, 2-o‘rin Qamashi tumanidagi 5-umumta‘lim maktabiga, 3-o‘rin esa Yakkabog‘ tumanidagi 32-umumta‘lim maktabiga nasib etdi.

Akademik litsey va kasb-hunar maktablari o‘rtasida 1-o‘rinni Qarshi davlat universiteti qoshidagi akademik litsey qo‘lga kiritgan bo‘lsa, 2-o‘rin Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti qoshidagi akademik litsey jamoasiga nasib etdi. 3-o‘ringa Muborak tumanidagi 2-kasb-hunar maktabi jamoasi munosib ko‘rildi.

G‘olib va sovrindorlar faxriy yorliq hamda esdalik sovg‘alari bilan taqdirlandilar.

**O.CHO‘LIYEV, J.RAHMONOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB  
xodimlari.

## ҲАМКОРЛИКДАГИ МАШҚ

Қашқадарё вилоятида ФВД тизимидаги тузилмалар билан биргаликда Оператор бошқаруви ва “ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани” МЧЖ фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг биргаликдаги ҳаракатларини ишлаб чиқиш мавзусида махсус-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди.



Машқлар газ конденсати тўкилишини бартараф этиш, шунингдек, тўкилган ҳолларда атроф-муҳитга таъсир этувчи салбий омилларни бартараф қилиш бўйича ҳаракатларни амалга оширишга қаратилди. Уч bosqichda ишлаб чиқилган хатти-ҳаракатлар хом газ ва ўзгарувчан конденсат труба қувири ва “Одамтош” газни олдиндан тайёрлаш мосламаси кесишган жойда – “Ҳисор” Марказий нефть ва газ қазиб олиш цехининг “Жарқудуқ” газни олдиндан комплекс тайёрлаш мосламасининг М-39 автотрассаси ва Кичик-Ўрадарё кесишмаси, шунингдек, “Пачкамар” сув омбори акваторияси билан кесишган участкаларда амалга оширилди.

Ўқув-машғулотлари давомида авария-тиклаш бўлинмаларининг хатти-ҳаракатлари ФВВ Марказий аппарати вакиллари, Деҳқонобод тумани ҳокимлиги ҳамда вилоят ФВВ вакиллари томонидан баҳолаб борилди.

**С.ҲАМИДОВ,**  
ФВВ “ЛУОК” МЧЖ ОЕХТТЭМ  
Қашқадарё вилоятидаги  
ОЕХТТЭБ инспектори.

## ЮҚОРИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ...

Тошкент вилояти ФВБ ташаббуси билан Оҳангарон шаҳрида вилоятдаги 7 та касб-ҳунар мактаблари жамоалари ўртасида “Ёш қутқарувчи” мусобақаси ўтказилди.

Тадбирда Ўртачирчиқ тумани шарафини ҳимоя қилган 2-касб-ҳунар мактаби жамоаси 2-ўринни қўлга киритиб,

диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Ж.ҚАМБАРОВ,**  
Ўртачирчиқ тумани ФВ  
бўлими  
НТБ бошлиғи, капитан.

**А.ЗОКИРОВ,**  
бўлинма инспектори,  
катта сержант.

## БОГ‘СНАДА TARG‘IBOT

Samarqand viloyati FVB tomonidan viloyat IIB tasarrufidagi “Sunbula” nomli MTTda “Mavsumiy sodir bo‘lishi mumkin bo‘lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda to‘g‘ri harakatlanish” mavzusida ko‘rgazmali targ‘ibot tadbiri o‘tkazildi.

Unda jaji ishtirokchilarga favqulodda vaziyatlar va yong‘inlarning oldini olish hamda turli favqulodda vaziyatlarda to‘g‘ri harakatlanish bo‘yicha batafsil tushunchalar berildi.

Tadbir yakunida bolajonlarga yong‘in-qutqaruv texnikalari hamda asbob-anjomlari namoyish etildi.

**Iilhom BOQIYEV,**  
Samarqand viloyati FVB axborot  
xizmati boshlig‘i, katta leytenant.

## ДОВОНДА ЎРГАНИШ

“Қамчиқ” махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасининг ёнғин-қутқарув отряди ходимлари томонидан ҳар йили доvon ҳудудидаги объектларни ўрганиш ишлари амалга оширилади.



Ушбу тадбирлар жорий йилнинг апрель ойида ҳам бир нечта масканда ўтказилди. Хусусан, “Қамчиқавтойўл” ихтисослашган йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига тегишли 550-йўл бўлимида ёнғинларнинг олдини олиш жараёнлари ўрганилди. Экипаж аъзолари ҳамда автойўл ходимлари иштирокида ёнғиннинг олдини олишга қаратилган “Қамчиқ” тоннелининг 1-порталида ёнғин ўчириш амалий-тактик машғулоти ўтказилди.

**Ғ.ОЛИМЖОНОВ,**  
«Қамчиқ» МҚЁҚБ смена бошлиғи,  
капитан.



Namangan viloyatida FVV Markaziy apparati, hududiy boshqarmalar va tarkibiy tuzilmalar shaxsiy tarkibi o'rtasida sportning mini-futbol bo'yicha yarim final va final bosqichi bellashuvlari o'tkazildi.

## G'OLIBLAR TAQDIRLANDI

Favqulodda vaziyatlar vaziri kubogi uchun kechgan mazkur bahslarda yuzdan ortiq harbiy xizmatchi va xizmatchilar qatnashdi.

Final bosqichida FVV Akademiyasi, Namangan, Buxoro, Jizzax viloyatlari FVB jamoalari kuch sinashdilar.

Yakuniy natijalar bo'yicha 1-o'rin Jizzax viloyati, 2-o'rin Namangan viloyati, 3-o'rin Buxoro viloyati FVBlari jamoalariga nasib etdi.

G'olib va sovrindorlar medal, diplom va esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi.

**Namangan viloyati FVB**  
matbuot xizmati.

## МАЛАКАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

“Жартепа” чегара божхона постида Самарқанд вилояти Божхона бошқармаси ва божхона пости ходимлари, ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм, ИИБ, ФВБ, ССБ, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, “Саноатгеоконттехназорат” минтақавий инспекцияси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари иштирокида махсус-тактик ўқув машғулоти ўтказилди.



Тадбир санкцияланмаган ионлаштирувчи нурланиш манбалари топилиши билан боғлиқ аварияни бартараф этишда фавқулдда вазиятлар давлат қўйи тизими хизматлари ва ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатларига бағишланди.

**Самарқанд вилояти**  
Божхона бошқармаси  
матбуот хизмати.

## QIZG'IN BELLASHUV

Toshkent viloyati FVB tomonidan Ohangaron shahrida tashkil etilgan “Yosh qutqaruvchi” ko'ngillilar musobaqasida shahar va tumanlarning viloyat bosqichiga yo'llanma olgan 7 ta umumta'lim maktabi jamoalari hamda kasb-hunar maktablaridan 7 ta jamoa o'zaro bellashdi.



Musobaqa yakunida umumta'lim maktablari o'rtasida Chirchiq shahrining 13-umumta'lim maktabi jamoasi hamda Bo'stonliq tumani kasb-hunar maktabi jamoasi g'oliblikni qo'lga kiritib, respublika bosqichida ishtirok etish uchun yo'llanma oldilar. Bellashuv yakunida g'olib ja-

moalar hamda faol ishtirokchilarga faxriy yorliq va esdalik sovg'alari topshirildi.

**R.ALIMOV,**  
Toshkent viloyati FVB bo'lim boshlig'i, podpolkovnik.  
**A.QO'SHAQOV,**  
Ohangaron shahar FV bo'limi boshlig'i o'rinbosari,  
kapitan.

Namangan viloyati Kосонсой тумани “Косонсой” чегара божхона постида “Санкцияланмаган ионлаштирувчи нурланиш манбасининг топилиши билан боғлиқ радиациявий аварияни чегаралаш ва бартараф этишда ФВДТ тегишли хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди.

## ҲАМКОРЛИК



Унда ФВДТ хизматлари куч ва воситаларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари давомида радиациявий авария ўчоғидаги ишларга жалб этиладиган шахсий таркибни дозиметрик назорат қилиш, дезактивация ишлари ҳамда махсус ишлов бериш пунктида шахсий таркиб ва техникани махсус ишловдан ўтказиш ва яна қатор тадбирлар амалга оширилди.

Машқ якунида ФВДТ хизматлари раҳбарларига фавқулдда вазиятлар содир бўлганда вужудга келган вазиятнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини имкон қадар камайтиришда алоқадор хизматлар билан ҳамкорликда самарали ҳаракатланишни такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

**Илҳом ҲАСАНОВ,**  
Namangan viloyati ФВБ бўлим катта офицери, катта лейтенант.

## КЕЛИНГ, КО'CHAT ЕКАЙЛИК!

Bilasizmi, tabiat ham tirik va u e'tibor, parvarishga muhtoj. Lekin biz insonlar o'zimizga toza havo, nafas yetkazib beruvchi tabiatni asrash o'rniga uni ifloslantiramiz, daraxtlarni kesamiz, hatto istalgan joyga axlat tashlab ketamiz.

Ma'lumotlarga qaraganda, bir yilda 1 tup daraxt karbonat-angidrid gazini 150 kilogrammga kamaytiradi. Bir yilda bitta daraxt – bu ikki kishi uchun kislorod demakdir va u yoz kunlarida havoni 2-8 darajaga salqinlashtiradi. Ko'chadagi gazlarni yutib, havoni changlardan tozalaydi.

Daraxtlarni asrash va ko'paytirish maqsadida Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning farmoni bilan 2019-yil 1-noyabrdan e'tiboran, daraxtlarni kesishga moratoriy joriy etilgan. Shuningdek, tabiatni asrash, toza ekologik muhitni yaratish maqsadida, “Yashil makon” umummilliy loyihasi e'lon qilingan bo'lib, mazkur loyiha doirasida mamlakatimizda har yili 200 million tup daraxt va buta ko'chatlarini ekish ishlari amalga oshirilmoqda.

Bu esa o'z o'rnida, daraxtlarni ko'paytirish va har bir hududni ko'kalamzorlashtirish, atrof-muhitni asrash orqali ekologik muhitni yaxshilash hamda inson hayotini muhofaza qilishni ta'minlaydi.

**Baxtigul JUMANIYOZOVA,**  
Bog'ot tumani FV bo'limi yetakchi mutaxassisi.

## МУНИМ ВАЗИФА



Qashqadaryo viloyati FVB obyekt binolarida yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'lim va bo'linmalari tomonidan qo'riqlanayotgan obyektlarda yong'in xavfsizligini ta'minlash va profilaktika ishlari samaradorligini oshirish bo'yicha chora-tadbirlar belgilanib, joriy yilning 3 oyi davomida o'tkazilgan tekshiruvlar davrida yong'in xavfsizligi me'yor va qoidalari talablarini bajarmagan yoki buzgan 145 nafar mas'ul, javobgar shaxslarga nisbatan 10 mln. 710 ming so'm miqdorida ma'muriy jarimalar qo'llanildi. Yong'in chiqish xavfi bo'lgan 22 ta bino va inshootlarning ish faoliyati vaqtincha to'xtatilib, yong'in xavfsizligi talablariga javob bermaydigan 355 ta elektr agregat va moslamalardan foydalanish taqiqlandi.

**A.INOYATULLAEV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB OYXTTEB boshlig'i, podpolkovnik.  
**O.RADJABOV,**  
bo'lim inspektori, kapitan.



## СЕМИНАР

Жорий йилнинг январь ойида Наманган вилояти Норин тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Норин дарёсининг чап қирғоғида емирилиш хавфи юзга келган эди. Мазкур ҳолат тегишли ташкилотларнинг куч ва воситалари ёрдамида бартараф этилиб, дамба тиклаш ишлари бажарилган.

Келгусида бундай вазиятлар такрорланмаслиги юзасидан вилоят ҳоқими – Фуқаро муҳофазаси бошлиғи Ш.Абдураззоқов бошчилигида семинар ўтказилди. Унда ФВВ ҳамда бошқарма мутасаддилари, сектор раҳбарлари, Табиат ресурслари вазирлиги вилоят бошқармаси ходимлари, Учқўрғон, Уйчи ва Норин туманлари сектор раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирок этдилар.

Семинарда дарё қирғоқларига етказилган зарарни бартараф этиш масаласи аниқ

рақамларга таянган ҳолда таҳлил қилиб чиқилди. Вилоят ҳоқими мазкур ишларни кечиктирмай хавфни ўз вақтида бартараф этиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш кераклигини таъкидлади ва қирғоқ мустаҳкамлаш бўйича зарур бўлган воситалардан унумли фойдаланиш, аҳоли, қолаверса, ер майдонларига зарар келишининг олдини олиш бўйича топшириқлар берди.

**Б.МАМАДАЛИЕВ,**  
Норин тумани ФВ бўлими бошлиғи  
ўринбосари, капитан.

Андижон вилояти Асака тумани ФВ бўлими томонидан олиб борилаётган таргивот-ташвиқот ҳамда бир қатор профилактик тадбирларга қарамасдан туман ҳудудида жорий йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида 25 та ёнғин ҳодисаси содир бўлган.

## ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ!

Бунинг натижасида 361 млн. 611 минг 700 сўм миқдорида моддий зарар кўрилган. Мазкур ёнғинлар таҳлил қилинганда, 21 таси ёнғин яшаш уйларида, 1 таси ишлаб чиқариш цехида, 1 таси савдо-сотиқ иморатида ва 2 таси бошқа биноларида содир бўлганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик мақсадида аҳоли турар ва иш жойларида ҳушёрликни ошириб, лоқайдликка йул қўймаслик даркор.

**Ф.ЯКУБОВ,**  
Асака тумани ФВ бўлими бошлиғи,  
подполковник.  
**А.СОДИҚОВ,**  
бўлинма мутахассиси, сержант.

## СУВ ГИДРАНТЛАРИ

Нукус шаҳар ФВ бўлими ходимлари ва тегишли соҳа вакиллари томонидан кўчалардаги мавжуд 1912 та сув олиш гидрантларининг соз ва носозлиги мунтазам текширилмоқда. Бунинг натижасида айрим кўчаларда гидрантлар кўмилиб қолинаётганлиги, уларнинг жойлашган қудуққа ахлатлар ташланаётганлиги, штоглари-нинг мойлантирилмаганлиги сабабли қотиб қолиш ҳолати аниқланди.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида шаҳар ФВ бўлими ва сув таъминоти ходимлари томонидан кўмилган гидрантлар қидириб топилди. Қудуқлардан чиқинди ҳамда ифлослантирувчи моддалар олиб ташланди.

**Н.КЫСТАУБАЕВ,**  
Нукус шаҳар ФВ бўлими  
2-ёнғин-қутқарув бўлими смена  
бошлиғи, катта лейтенант.

Наманган шаҳар ва туман ФВлар бўлиmlари, қисmlар бошлиқларини жалб қилган ҳолда “Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш тартиби ва баҳор-ёз мавсумига ўтказиш” мавзусида кўргазмали семинар ўтказилди.

## КЎРГАЗМАЛИ ТАРЗДА

Унда баҳор-ёз мавсумига ўтказиш ишларига мувофиқ бажариладиган ишлар рўйхати тузилди ва автотранспорт воситалари ҳамда ёнғин-қутқарув бўйича махсус асбоб-анжомлар техник кўрикдан ўтказилди. Автотранспорт воситалари ва махсус техникаларни мавсумда фойдаланиш режимида ўтказиш олди-дан уларнинг нуқ-

сон ва камчиликларини бартараф этиш далолатномаси тузилди. “Бошқарма автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш китоби”га техник ҳолат бўйича маълумотлар қайд этилди.

**М.ДАДАҚЎЗИЕВ,**  
Наманган вилояти ФВБ МТТ  
ва ТФНҚБ бошлиғи, катта  
лейтенант.

## QOIDALARGA AMAL QILAYLIK!



Qashqadaryo viloyati Yakkabog' tumanida Daryo o'zanlarida tozalashni belgilangan loyiha parametrlari asosida ish olib borish" mavzusida amaliy va nazariy seminar o'tkazildi.

Tadbirda viloyat FVB, Tabiat resurslari boshqarmasi hamda "Xavfsiz daryo" mutaxassislari tomonidan o'zan tozalash, shag'al olish va sel yo'llarini to'g'ri yo'naltirishda belgilangan balandlik, chuqurlik va boshqa talablar asosida, qolaversa, texnikalar ishlash jarayonida parametrlarining to'g'ri olinganligi muhim jihatlardan biri ekanligi qayd etildi.

Seminarining amaliy qismini ishtirokchilarga mutaxassislar tomonidan o'zan tozalash va qirg'oq mustahkamlash ishlari jarayonida maxsus belgilar o'rnatish lozimligi tushuntirildi.

**Azam JUMAQULOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB  
"Xavfsiz daryo"  
DUK bo'linma boshlig'i.

Давлатобод тумани ФВ бўлими ёнғин-қутқарув қисми шахсий таркиби томонидан туман ҳудудидаги ёнғинга қарши ерости сув олгичлари ва ёнғинга қарши сув ҳовузлари ҳолати ўрганилганда, бир нечта гидрантларнинг қаровсиз, носоз ҳолатдалиги, баъзилари эса йўл қопламалари остида қолиб кетганлиги аниқланди.

## КИМ МАСЪУЛ?



Туман ҳудудида 28 та маҳалла бўлиб, ҳудудда 114 та гидрант мавжуд. Шундан 40 таси кўчаларда, 74 таси ташкилотларда жойлашган. Ўрганишлар натижасига кўра, гидрантларнинг 19 таси носозлиги маълум бўлди. Ҳар бир сония ғанимат ҳисобланган ёнғин ўчириш чоғида бу каби ҳолатлар катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.

**Маъмуржон КЕНЖАЕВ,**  
Наманган шаҳар ФВ бўлими  
2-ЁҚҚ бошлиғи, катта лейтенант.

Bekobod shahar hududida faoliyat yuritayotgan qurilish tashkilotlarining ishchi-xizmatchilari bilan favqulodda vaziyatlarning oldini olish va yong'in xavfsizligini ta'minlash yuzasidan doimiy ravishda yo'riqnomalar olib borilmoqda.

## QURILISHDA XAVFSIZLIK

Chunki ko'p qavatli binolarda yong'inni bartaraf etish masalalari yong'in-qutqaruv bo'linmalari xodimlaridan yong'inlarning rivojlanish jarayonlari va xususiyatlari to'g'risida har tomonlama bilimga ega bo'lishni talab etadi.

Binolar xavfsizlik tizimini zamon talablariga javob beradigan darajaga olib chiqish hamda yong'in xavfsizligi tizimida yangicha texnologiyalardan foydalanish odamlarning hayoti va sog'ligini saqlab qolishda muhim omil hisoblanadi.

**Akbarali HAYITBOYEV,**  
Bekobod shahar FV bo'limi MTB boshlig'i,  
leytenant.

## АМАЛИЙ ЁРДАМ

Сурхондарё вилояти ФВБ-нинг “1050” қисқа рақамига Термиз тумани “Намуна” МФЙ ҳудудидаги ариққа Қозоғистон Республикасига қарашли “DAF” русумли юк ортилган автомашина тушиб кетгани ҳақида хабар келиб тушган.

Вилоят ФВБ қутқарув отряди зудлик билан воқеа жойига етиб бориб, махсус асбоб-анжомлар ёрдамида юк автомашинасини ариқдан чиқариб олишда амалий ёрдам кўрсатди.

**Ж.ЖўРАЕВ,**  
Сурхондарё вилояти ФВБ  
ЖТ ва ОАВБҲҚГ бошлиғи,  
капитан.

## SALOHİYATLI KADRLAR – DAVR TALABI

Toshkent davlat texnika universiteti “Geologiya-qidiruv va kon-metallurgiya” fakulteti “Hayot faoliyati xavfsizligi” kafedrasida “Hayot faoliyati xavfsizligi” hamda “Mehnat muhofazasi va texnika xavfsizligi” bo'yicha mutaxassislar tayyorlanadi. Professor-o'qituvchilarga mehnatni muhofaza qilish va hayot faoliyati xavfsizligi sohasida o'z faoliyatini amalga oshiradigan, davlat me'yoriy talablarini biladigan hamda ularni funksional majburiyatlari doirasida amalda qo'llaydigan mutaxassislarni tayyorlash vazifasi yuklatilgan.

Shu sababli kafedra “Enter Engineering” MCHJ, “SHO'RTANGAZ” AJ Gaz-kimyo kompleksi, “O'zbek-Ko'mir” AJ, “OKMK” AJ, “Texnopark” MCHJ, “Artel” MCHJ, Toshkent traktor zavodi, Toshkent metallurgiya zavodi, FVV Akademiyasi huzuridagi Fuqaro muhofazasi instituti, Tog'-kon, geologiya va sanoat xavfsizligini nazorat qilish inspeksiyasi bilan shartnomalar tuzgan.

Ushbu tashkilotlarda talabalarning malaka-amaliyotlarini o'tashiga katta e'tibor beriladi. Amaliyotga yuborishdan oldin ular bilan suhbat o'tkazish, xavfsizlik qoidalarini tushuntirish ishlari olib boriladi. Ishlab chiqarish rahbarlariga biriktiriladilar.

Malaka amaliyoti davomida talabalar amaliy ko'nikmalarga ega bo'ladilar va universitetda olgan nazariy bilimlarini mustahkamlaydilar. Albatta, bunday tashab-

buslarni amalda oshirish salohiyatli kadrlarni tarbiyalashda muhim omil bo'ladi.

**M.MUSAYEV,**  
ToshDTU “HFХ” kafedrasini  
mudiri professor.

**M.RASULEVA,**  
kafedra dotsenti.

**L. PETROSOVA,** kafedra  
dotsenti.

**A.RASULEV,**  
kafedra dotsenti.



Андижон вилояти прокуратураси билан ҳамкорликда маданий мерос объектлари ўрганишлар давомида халқимиз, миллий давлатчилигимиз тарихини ўзида акс эттирувчи, келажак авлодларга мезийдан хабар берувчи зиёратгоҳ, археологик ёдгорликлар, тарихий ва маданий обидаларда амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари, биноларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди.



## МАДАНИЙ МЕРОС МУҲОФАЗАСИ

Шу билан бирга, ушбу жойларда хизмат олиб бораётган ишчи-хизматчилар билан ёнғин ўчиришнинг бирламчи воситаларидан фойдаланиш, қўтқарув режасига асосан, ҳаракат қилиш бўйича профилактик тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Таъкидлаш лозимки, Андижон вилоятида маҳаллий ва республика аҳамиятига молик 422 та тарихий ва маданий мерос объектлари рўйхатга олинган бўлиб, улардан 221 таси археологик, 74 таси меъморий ёдгорликлар, 42 таси монументал санъат ёдгорликлари, 85 таси диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳларни ташкил этади.

**Азизбек ЯРКУЛОВ,**  
Андижон шаҳар ФВ бўлими бошлиғи  
ўринбосари, капитан.

## ОГОН БО'LAYLIK!

Toshkent viloyati FVB hamda uning hududiy bo'limlari va Gidrometeorologiya xizmati markazi xodimlari tomonidan viloyatning sel, suv toshqini xavfi mavjud hududlari o'rganilib, mahalliy hokimliklar va tegishli tashkilotlarning kuch-vositalarini jalb qilgan holda daryo, soy va kanallar qirg'oqlarini mustahkamlash va muhandislik tadbirlari amalga oshirilib kelinadi.

O'z uyingni o'zing asra deganlaridek, har birimiz daryo, soylarning bo'yida hamda tog' yonbag'irlarida joylashgan uylarimizni bahor mavsumida kuchli yog'ingarchiliklar oqibatida kelib chiqishi mumkin bo'lgan sel, suv toshqinlari va ko'chki hodisalari bilan bog'liq favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish uchun quyidagilarga amal qilishimiz lozim.

– daryo, soy, kanal bo'yida hamda tog' yonbag'irlarida joylashgan doimiy yashab kelayotgan uylarimizda vaqtincha yog'ingarchilik mavsumi tugagunga qadar yashamaslik;

– daryo, soy qirg'og'i yaqinida joylashgan dala hovlilarga yog'ingarchilik mavsumi tugamaguncha dam olish maqsadida bormaslik;

– ko'chki havfi mavjud hududlarga sayl va dam olishga chiqmaslik;

– ob-havoning keskin o'zgargan vaqtlarida daryo, soy va jarliklar yoqasida joylashgan binoinshootlardan foydalanmaslik;

– daryo, soy, kanal bo'yida hamda tog' yonbag'irlarida joylashgan kekxa yoshdagilarni va yosh bolalarni yolg'iz qoldirmaslik;

– sel, suv toshqinlari va ko'chki holatlari bilan bog'liq favqulodda vaziyatlar chog'ida evakuatsiya (ko'chish) choralarini oldindan ko'rish.

Yuqorida keltirilgan talablarga har birimiz o'z uyimizda va hayotimiz davomida amal qilsak, oilamiz va yaqinlarimizning hayotini bevaqt o'limdan saqlab qolgan bo'lamiz.

**J.ULUG'BEKOV,**  
Toshkent viloyati FVB bo'lim boshlig'i,  
kapitan.

**A.QO'SHAQOV,**  
Ohangaron shahar FV bo'limi boshlig'i  
o'rinbosari, kapitan.

Dehqonobod tumanida aholi o'rtasida quturish, Grim-Kongo gemorragik isitma kasalligi, ovqatdan zaharlanish kabi favqulodda vaziyatlarning oldini olishga qaratilgan targ'ibot-tashviqot ishlari, uchrashuv va davra suhbatlari, o'quv va maxsus-taktik mashg'ulotlari muntazam ravishda o'tkazilmoqda.

## XAVFSIZLIK YO'LIDA

Ishchi guruh tomonidan fuqarolarga savdo rastalari va dehqon bozorlarida oziq-ovqat mahsulotlarini xarid qilish davomida sifati, yaroqlilik muddatiga aniqlik kiritib sotib olish, chorva mollarini kasallikka qarshi emlash, chorva mollarini qirgim (jun olish) vaqtida xavfsizlik choralarini ko'rish, uyda saqlanayotgan it va mushuklarni quturishga qarshi majburiy vaksinatsiya qilishi, jarohat yetkazish

holatlari aniqlanganda yoki qarovsiz qolgan hayvonlar aniqlanganda, veterinariya xizmati va Obodonlashtirish boshqarmasining qarovsiz qolgan hayvonlarni tutish brigadasiga xabar berish yuzasidan tushuntirish ishlari o'tkazish doimiy yo'lga qo'yilgan.

**O.YO'LDASHEV,**  
Dehqonobod tumani  
FV bo'limi bo'linma  
boshlig'i, mayor.

## ТИЗИМЛИ ТАДБИРЛАР

Чирчиқ ёнғин-қўтқарув отрядида 7 кунлик ўқув йиғини ташкил этилди. Унда ҳарбий хизматчиларнинг назарий билимлари, жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаш, чиниқтириш, уларнинг малакаси ҳамда касбий маҳоратини янада ошириб бориш йўлга қўйилди. Дарс жараёнларига вазирлик Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтидан тажрибали офицерлар, профессор-ўқитувчилар жалб қилинмоқда.

**Жаҳонгир АБДУҚАЮМОВ,**  
Ихтисослашган кўп тармоқли бошқармаси  
ОЁХТТЭБ ўринбосари, подполковник.

**Рўзиматжон ХАЛИЛОВ,**  
бошқарма инспектори, лейтенант.



## ИЖРО ИНТИЗОМИГА БАҒИШЛАНДИ

Бухоро вилояти ФВБда Адлия бошқармаси, ҳарбий прокуратура ҳамда Архив иши бошқармасининг малакали мутахассислари иштирокида “Ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, архив ишини янада яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш масалалари” мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди.



Унда ҳудудий бошқармалар, таркибий тузилмалар, иш юритиш ва архив ишлари бўлинмаси бошлиқлари, мурожаатлар ҳамда ижро интизомига масъул ходимлар иштирок этдилар.

Семинар якунида иштирокчилардан эгаллаган билим даражаларини аниқлаш мақсадида тест синовлари

қабул қилинди.

Бундан ташқари, иштирокчилар ўқув сўнгида кўп йиллик тарихга эга бўлган Бухоронинг қўтқарув қадамжолари, тарихий обидалари ҳамда диққатга сазовор жойларига саёҳат қилдилар.

**Зариф МАВЛЯНОВ,**  
Бухоро вилояти ФВБ  
М ва ТҚТЮБ бошлиғи,  
подполковник.

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни



“Навоий кон-металлургия комбинати” ёнги хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази ва унинг қуйи тизимларининг барча ҳарбий хизматчилари истеъфодаги полковник Мурод Ҳасановга ҳавас билан қарайди, М.Ҳасанов сингари табаррук ёшга етиб юришни ният қилиб, бу инсоннинг дуосини олишга, НКМК ёнги хавфсизлигининг узоқ тарихи ҳақидаги маълумотларни олишга ҳамда суҳбатидан баҳраманд бўлишга ошиқади.

## УСТОЗ ИБРАТИ

Мурод Ҳасанов 1949 йилда Самарқанд вилояти Пахтачи туманида туғилган. Тумандаги мактабни тугатгач, меҳнат фаолиятини 1967 йилда оддий ўт ўчирувчиликдан бошлаб, 1968–1969 йиллар давомида ёнги олдиди олиш бўйича йўриқчи, шу йилнинг ўзида Россия Федерациясининг Свердловск шаҳридаги ёнги техник билим юртини, 1982 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. 1972 йилдан бошлаб, НКМК ЁХБда смена бошлиғи, қисм бошлиғи ўринбосари, қисм бошлиғи, штаб бошлиғи ва отряд бошлиғи лавозимларида хизмат қилган. Истеъфодаги полковник Мурод Ҳасановнинг кўп йиллик меҳнатлари ва тажрибаси инobatга олиниб, 1994 йилда “Навоий кон-металлургия комбинати” ёнги хавфсизлиги бошқармасига раҳбар этиб тайинланди. Мазкур лавозимда 2006 йилга қадар фаолият юритган.

“НКМК” Ёнги хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази бошлиғи полковник Хайрулло Зоиров, марказ бошлиғининг ўринбосари подполковник Алижон Наврўзов, бўлим бошлиқлари подполковниклар

Абдурозиқ Бўриев, Бобожон Абдурахмоновлар устоз ҳақида шундай дейди: – Мурод Ҳасанов ишини севадиган, хизмат вазифасини виждонан бажарадиган инсон. Хизмат қилиб юрган вақтларида, айниқса, ёшлигида Ёнги ўчириш амалий спорти бўйича ўтказилиб келинаётган республика мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлган киритган, ўзи кейинги йиллар давомида ҳар бир ўтказиладиган республика очик чемпионатларида устоз-мураббийлик қилган.

Мурод Ҳасанов ҳаётда оилавий жиҳатдан ҳам бахтли инсон, ҳозирги кунда 4 нафар набиранинг суюкли бобоси.

Ҳа, биз кейинги авлод вакиллари нуруний отахону онахонларимизга қараб, тарихни ўрганамиз. Улардан мерос бўлиб қолган аъналаримизни, берган сабоқларини келажак авлодга етказсак, ёшлар ҳам ота-боболаримиз изидан юришади. Ватанимиз тараққиёти ўтмиш билан бошланиб, бундан равнақ топади.

**Маъруфжон ҲАЙИТОВ,**  
**НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ**  
**бошлиғи, катта сержант.**

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни

## ҚАЛАМ ВА ҚАЛАМ АҲЛИГА

Ҳа, ўша азалий қадим қалам бу,  
Ҳақ йўлда чекилган минг-минг алам бу...

Мудом рост элининг қалқони, дўсти,  
Фақат... Ғамлар ютиб қораймиш кўкси...

Эй, ҳамиша бўлган Эзгулик тараф,  
Қалам аҳли, бу кун Сизга шон-шараф!

**Баҳодир ОБИД.**

## КАМТАРИН ДЎСТ ХОТИРАСИ

ФВВ тизими фахрийси, истеъфодаги полковник Адиллов Баҳодир Мирфатовични барча ҳарбий хизматчилар ва хизматчилар яхши танир, ҳурмат қилар эди. Чунки Баҳодир Адиллов ҳаммага бирдек самимий, камтарин ва дўстларга қўлидан келганча ёрдам беришга тайёр, шогирдларга ғамхўр, таъбир жоиз бўлса, соҳанинг тирик “энциклопедияси” эди. Юртимизда у билмаган тоғу тош, дарё-ю қўл, бирор қишлоғу овул қолмагани хисоби. У бамисоли “жонли харита” эди. Шунинг учун барча катта-ю кичик офицерлар, сержанту курсантлар қўлтиғига харитасини қистирганча Баҳодир аканинг беғараз ва устозларча ёрдамидан умидвор бўлиб турарди...



Яратганининг изни билан ушбу фидойи инсон сафимизни тарк этди. Ундан эзгу ишлар, элу юрт қорига ярайдиган фарзандлар ва ёрқин хотиралар қолди.

Баҳодир Адиллов 1967 йил 24 февралда Тошкент шаҳар Юнусобод туманида туғилган. 1996 йилда Тошкент электротехника алоқа институти, ҳозирги ТАТУни, 2006 йилда Россия Федерацияси ФВВ Фуқаро муҳофазаси Академиясини тамомлаган. Фидойи хизматлари учун 2015 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган.

Б.Адиллов ИИВ Ёнги хавфсизлиги бошқармаси диспетчерлиги вазифасидан тортиб, ФВВ тизимида масъул вазифаларда, хусусан, бўлим, хизмат бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимларида садоқат билан хизмат қилди. Юртимиз аҳолиси ва ҳудудларини ёнги, бошқа тусдаги фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш, профилактик тадбирлар режа-дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини назорат қилиш, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида қўмондонлик, махсус-тактик ўқув машқларини ўтказиш, ФВДТ тизими бошқарув органлари раҳбарлари, ходимлари ва куч-воситаларининг фавқулдда вазиятларда ҳаракатланишга тайёргарлик даражасини оширишга юқори салоҳиятли мутахассис, масъул раҳбар сифатида улкан ҳисса қўшди.

Баҳодир Адиллов ташқаридан жиддий кўрингани билан табиатан хушчақчақ, дўсту яқинларга нисбатан жуда самимий инсон эди. Суҳбатда одам танламас, бирдек мулоқот қилар, имкон қадар инсон кўнгли ва кайфиятига қараб гаплашар, бировнинг кўнглини оғритиб қўйишдан ниҳоятда эҳтиёт бўларди.

Дўстимиз ҳақида кўп гапириш мумкин. Муҳими шуки, у ўз умрини савобли ва шарафли ишга бағишлади, ҳалол ва садоқатли хизматлари орқали ҳаётини мазмун билан беади.

Баҳодир, илоҳим охиратингиз обод, жойларингиз жаннат боғчаларидан бўлсин. Яратганининг ўзи дунё ҳаётида қилган барча эзгу ишларингизни даргоҳида хусни қабул айлосин!

**Эҳтиром ила дўстларингиз ва  
ҳамкасбларингиз.**

ФВВ Марказий аппарати ва шахсий таркиби ҳамда вазирлик Фахрийлар марказий кенгаши раҳбарияти ФВВ фахрийси, истеъфодаги полковник

**Баҳодир АДИЛОВ**нинг  
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари-  
га ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.



# Vaziyat

gazetasu

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқулдда**  
**вазирлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
**Азамат СУЙОНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:  
**А.ҚОБИЛОВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун — 382

Газета  
“BUSINESS PRINT DESIGN”  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 6630 нусха